

Ғийбатнинг гуноҳлиги ҳақида (2-қисм)



15:03 / 27.03.2018 3781

Насиҳат. Вуҳайб Маккий^[1] раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ғийбатни тарк этиш мен учун дунё ва ундаги нарсалар яратилганидан бошлаб йўқ бўлгунига қадар меники бўлиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилишимдан ҳам яхшироқдир. Номаҳрамдан кўзимни олиб қочишим мен учун дунё ва ундаги нарсалар яратилганидан тортиб йўқ бўлгунига қадар меники бўлиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилишимдан ҳам яхшироқдир».^[2]

Изоҳ. Ғийбатни тарк этиш дунёдаги барча нарсадан яхшироқ бўлишининг сабаби шуки, дунё бир ўткинчи нарса, унда мустаҳкамлик ва боқийлик йўқ. Киши дунёда эришган лаззатларини охиратда топа олмайди. Бироқ ғийбатни тарк этган одам бу амалининг савобини охиратда топади ва ниҳоятда шод-хуррам бўлади. Охиратни қўлдан бериб, унинг ўрнига дунёни танлаш эса ўта ақлсизликдир.

Насиҳат. Вухайбнинг гапидан ҳам ҳаром нарсага назар солмаслик дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқ экани маълум бўлмоқда. Лекин афсуски, номаҳрамга назар қилиш бу замонанинг эркакларида ҳам, аёлларида ҳам жуда оммавийлашиб кетди. Эркаklar йўлда юрганда тўрт томонга қараб юради. Бирор хушсурат аёлга кўзи тушиб қолса, ундан кўзини узмайди. Тўла қарашга имкони бўлмаса, кўз қири билан бўлса ҳам қарайди. Иложи бўлса, одамларнинг уйи ичидаги, парда ортидаги аёли кўриниб қолса-ю, ўшани ҳам кўрсам дейди. Агар уйда аёллар тўпланиб қолса, парда ортидан уларни томоша қилади. Ажабланарлиси, одамлардан ҳаё қилиб ошкора қарамайдилар, балки яширин ҳолатда назар ташлайдилар. Аммо ҳамиша ҳозир нозир бўлган Аллоҳ таолодан зиғирча ҳам уялмайдилар. Ўз Хожаларининг қулларидан эса уяладилар. Бу одамлар ўз улуғларини шарманда қиладилар, ўз насабларини барбод қиладилар. Ваҳоланки, салафи солиҳлар ичида шайтондан енгилиб, бирор аёлга қараб қўйса, кўзини ўйиб олиб, ўзини кўр қилганлари бўлган. Худди шунингдек, бу замон аёллари ҳам бегона эркаklarга қарашни дуруст деб биладилар. Бирор жойда эркаklar йиғилиб ўтирса, парда ортидан уларга қарайдилар. Чиройли йигитни кўриб қолсалар, унга термулиб лаззатланадилар. Улар: «Эркаklar бизга қараса гуноҳ бўлади, аммо бизнинг эркаklarга қарашимизда ҳеч қандай зарар йўқ», деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, эркаklarнинг аёлларга, аёлларнинг эса эркаklarга шаҳват билан қараши ниҳоятда улкан гуноҳдир. Оятлар ҳам, ҳадислар ҳам бундан қайтарган. Шунинг учун Вухайб: «Бирор ҳаром нарсага қарамаслигим дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир», демоқда.

Насиҳат. Ҳакимлардан бири айтади: «Уч нарсага кучинг етмаса, уч нарсадан сақлан. Бировга яхшилик қилишга кучинг етмаса, ёмонлик қилишдан сақлан. Одамларга фойда етказиш қўлингдан келмаса, уларга зарар беришдан сақлан. Рўза тутишга қодир бўлмасанг, одамларнинг гўштини ема».^[3]

Насиҳат. Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ айтди: «Сен йўқлигингда дўстинг сени қандай қилиб эслашини хоҳласанг, дўстинг йўқлигида сен ҳам уни ўшандай эслагин».

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[1] Вухайб ибн Вард – обид ва ҳаким зот. Макка аҳлидан. Ўша ерда ҳижрий 153 йилда вафот этган. Иброҳим ибн Адҳамнинг замондошларидан (Зириклий, «Ал-Аълум»).

[2] «Танбеҳул ғофилийн».

[3] «Танбеҳул ғофилин».